

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВ АБДУЛЛАЖОН ТОПИЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ  
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)  
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори(DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Мирзаев Абдуллажон Топилович**

Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятини бошқариш методологиясини  
такомиллаштириш.....3

**Мирзаев Абдуллажон Топилович**

Совершенствование методологии управления туристско-рекреационной  
деятельностью в Узбекистане.....35

**Mirzaev Abdullajon Topilovich**

Improving the methodology of management of touristic-recreational activities in  
Uzbekistan.....67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....72

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВ АБДУЛЛАЖОН ТОПИЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ  
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)  
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссияси томонидан В2020.3.DSc/Iqt264 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Хонкелдиева Гўзал Шеровна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямов Саидахроп Саидахмедович**  
Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори

**Хамидов Обиджон Хафизович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Алиева Махбуба Тойчиевна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2020.1.16.02. рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «28» 07 кунли соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1056 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 07 кунли тарқатилди.  
(2021 йил «14» 07 даги № 5 рақамли реестр баённомаси).



**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**Д.М. Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., PhD

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобал ўзгаришлар тенденциялари сўнгги даврда туристик-рекреация соҳасининг яратилаётган ялпи ички маҳсулот таркибидаги ўсиш суръати ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Инсонларнинг саломатлиги билан боғлиқ омиллар туристик-рекреация фаолиятини кенгайтириш ҳамда уни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш зарурати юзага келмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) маълумотлари бўйича «сайёрамиздаги ишлаб чиқариш-хизматлар бозори айланмасининг 10 фоизи туризм соҳасининг ҳиссасига тўғри келади. 2022 йилга бориб халқаро туризм саёҳатларидан олинадиган даромадлар бир йилда 2,0 триллион АҚШ долларини ташкил қилиши прогноз қилинмоқда»<sup>1</sup>. Шунинг учун жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда туристик-рекреация соҳасининг тараққиёти нисбатан устуворликка эга бўлиб, бу эса соҳада бошқарув билан боғлиқ методологияни такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳонда туристик-рекреация фаолиятини талаб ва таклиф қонуни асосида ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажмидаги ўзгаришини ошириш, ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳамда соҳа корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан туристик-рекреация корхоналаридаги горизонтал ва вертикал бошқарув тузилмаларини кенгайтириш, рақамли бронлаш тизимларидан глобал ва локал даражада фойдаланиш, фаолият самарадорлигини таъминловчи бошқарув моделлари ва механизмларини зарур элемент (тузилма иштирокчилари, бошқарув усуллари, ресурс компонентлари)лар билан тўлдириш орқали такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудий (мезо, макро) даражада мультипликатив самарани келтириб чиқариш, рекреация ресурс базасига эга мамлакатларда туристик-рекреация фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда туризм хизматлари соҳасини кенг қамровли ривожлантириш борасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда туристик-рекреация хизматлари тармоғининг ривожланиши борасидаги ислохотлар меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш босқичида давом этмоқда. Юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга ҳудудларни ресурс салоҳияти асосида доминант ҳолда ривожлантириш ҳудудларни жадал ва мувозанатли ривожлантиришда нисбатан юқори самара беради. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм

---

<sup>1</sup> Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство РДЛ, 2015. – С. 3.

инфратузилмасини кенгайтириш»<sup>2</sup> муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ижроси мамлакатимизда туристик-рекреация фаолиятини бошқариш методологияси таркибидаги миллий статистиканинг очиқ маълумотлар базасида мавжуд бўлмаган кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш, соҳанинг худудий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи мультипликатив самарасини баҳолаш, худудий рекреация тизимларининг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилиш методологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Туристтик-рекреация фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришнинг оптимал стратегиясини шакллантириш, унинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, тизим бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Florida International University,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Florida International University, University of South Carolina - Beaufort (АҚШ), University of Lincoln (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Yasar University (Туркия), University of Applied Sciences of the Grisons (Швейцария), Institut Paul Bocuse, Ecole hôtelière de Lausanne (EHL) (Франция), М.Б.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, «Ипак Йўли» халқаро туризм университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти веб-саҳифалари ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

University of South Carolina - Beaufort (АҚШ), University of Lincoln (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Yasar University (Туркия), University of Applied Sciences of the Grisons (Швецария), Institut Paul Bocuse, Ecole hôtelière de Lausanne (EHL) (Франция), М.Б.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, «Ипак Йўли» халқаро туризм университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети, Наманган давлат университети, Фарғона политехника институти (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида туристик-рекреация фаолиятини бошқаришга оид амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: соҳанинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш механизминини ишлаб чиқиш асосида юқори ресурс салоҳиятига эга компанияларининг хизматлар экспорти ҳажми ортишига эришилган (Florida International University, University of South Carolina – Beaufort – АҚШ); туристик-рекреация фаолиятига киритилган инвестицион ва инновацион лойиҳалар билан мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасидаги боғлиқликни эконометрик тадқиқ этиш асосида соҳанинг ўрта ва узоқ муддат учун тараққиёт стратегиялари ишлаб чиқилган (Korea Development Institute-Жанубий Корея); туристик-рекреация кластерларини шакллантиришда давлат-хусусий шерикчилик механизминини жорий этиш орқали соҳанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга эришилган (М.Б.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети – Россия), туристик-рекреация фаолиятини бошқариш механизмларининг институционал асосда такомиллаштириш билан қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг сифати ортган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Ўзбекистон).

Туристтик-рекреация фаолиятини бошқариш методологияларининг такомиллаштириш бўйича жаҳонда қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: соҳа фаолиятининг самарали бошқаришга рақамли технологияларни жорий этиш механизмларининг такомиллаштириш, туристик-рекреация хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциясида санатор-курорт ва дам олиш муассасаларининг фаолиятининг ривожланиш даражасини бўйича ҳудудий бирликлар концентрацияси ва таклифнинг табақаланишининг баҳолаш; ҳудудларда туристик-рекреация объектларининг жойлаштириш вариантларининг ишлаб чиқиш ва рекреантларни жалб этишнинг кўп омилли эконометрик-гравитацион моделини рекреантлар сони, хизматлар сифати ва баҳосининг ресурслар ҳажмининг бўйича такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришда кросс-тармоқ (кесишувчан) инновацияларининг самарадорлигининг инвестицион ва инновацион лойиҳалар таҳлили асосида баҳолаш ва ҳоказо.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда туристик-рекреация фаолиятининг ривожлантириш ва бошқарув усулларининг такомиллаштириш борасида хорижий давлатларда бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга

оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан К.Райан, Д.Ландберг, М.Кришнамурти, Ч.Гии, Ж.Макенс, Д.Чей, Г.Харрис, Р.Кац, С.Акис, А.Атияман, М.Мескон, М.Альберт, Э.Шухарт, Э.Деминг, М.Портер, Г.Чесбро, И.А.Киселова, А.М.Трамова, Ф.Тейлор, П.Друкер<sup>4</sup> каби олимларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида туристик-рекреация фаолияти ривожланиши, фаолиятни бошқариш жараёнларининг назарий жиҳатлари ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмлари муайян даражада назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида туристик-рекреация фаолияти ва унинг бошқариш жараёнларини ривожлантиришнинг назарий ҳамда услубий жиҳатлари А.Ю.Александрова, И.Т.Балабанов, М.А.Жукова, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, А.М.Ветитнев, Л.Б.Журавлева, А.В.Борисова, Н.В.Пенкина, Д.Д.Вачугов, Н.В.Кузнецова, А.А.Игнатъев, А.С.Кусков, Е.Б. Квашнина, А.И.Тарасенок, Е.В.Жертовская<sup>5</sup> каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда

---

<sup>4</sup> Chris Ryan. *Recreational Tourism: Demand and Impacts* / Channel View Publications, 2003. – 358 p.; Lundberg D., Krishnamurthy M. – *Tourism Economics*. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p.; Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey, D. *The Travel Industry*. 3d. Wdit. -New York John Wiley Sons Inc. 2003. -250 p.; Харрис Г., Кац Р. *Становление международного туризма в XXI веке*. М.: Финансы и статистика, 2006.; Akis.S.(1998): *Acompact Econometric Model of Tourism Demand for Turkey*, *Tourism.*; Athiyaman, A. (1997): *Knowledge Development in Tourism: Tourism Demand Reserch, Tourism Management*; Мескон М., Альберт М. др. *Основы менеджмента*, –М.: Дело, 1997. –С. 56.; Shewhart W. A. *Statistical Method from the Viewpoint of Quality Control*. Washington: The Graduate School, The Department of Agriculture, 1939; Deming W. E. *Out of the Crisis*. Cambridge, MA: Massachusetts Institute of Technology, Center for Advanced Engineering Study, 1986. P. 6.; Портер, М. *Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран* [Текст] / М. Портер; под ред. В.Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993. – 896 с.; Чесбро, Г. *Открытые инновации. Создание прибыльных технологий* [Текст] / Г. Чесбро. – М.: Поколение, 2007. – 336 с. – ISBN: 9785976300545.; Kiseleva I.A., Tramova A.M., Bayasgalan Tsetsgee. *Analysis of the competitiveness of the tourist industry enterprises with the application of model of business excellence*. – IFOCT-2013 (8 International Forum on Strategic Tecnology-2013), Mongolia, Ulan Bator, 2013, pp. 802.; Тейлор Ф. *Принципы научного менеджмента* / Пер. с англ. – М.: Контроллинг, 1991. –104 с.; Друкер П. *Посткапиталистическое общество. Новая постиндустриальная волна на Западе* / Пер. с англ. – М.: Academia, 1999. – 288 с.; Друкер П. *Практика менеджмента* / Пер. с англ. – М.: Вильямс, 2007. – 398 с.; Drucker, P. (1977). *People and Performance: The Best of Peter Drucker on Management*. New York: Harper & Row. 317 p.;

<sup>5</sup> Александрова А. Ю. *Международный туризм. Учебное пособие для вузов*. –М.: Аспект Пресс, 2001. - 464 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. *Экономика туризма*. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.; Жукова М.А. *Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие*. – М.: КНОРУС, 2006. - 160 с.; Кабушкин Н.И. *Менеджмент туризма: Учебник. 4-е изд., стереотип.* – Минск: Новое знание, 2004. - 409 с.; Квартальнов В.А. *Туризм: история и современность: Избранные произведения: В 4-х т.* – М.: Финансы и статистика, 2002. - 499 с.; А.М. Ветитнев, Л.Б. Журавлева. *Курортное дело: учебное пособие*. – М.: КНОРУС, 2006. 528 с.; А.В.Борисова. *Курортное дело и оздоровительный туризм: учебное пособие*. - Ярославл: ЯрГУ, 2009. – 114 с.; *Туристско-рекреационный комплекс: теоретико-методологические подходы к анализу: Учебно-методическое пособие* / Н.В. Пенкина. – Нижневартовск: Изд-во Нижневарт. гос. ун-та, 2017. – С.7-10.; Вачугов Д.Д. *Основы менеджмента: учебное пособие*. – М.: Высшая школа, 2005. – С. 59.; Кузнецова Н.В. *История менеджмента*. Изд-во Дальневосточного университета, 2004.; Игнатъев, А.А. *Инновации туризма на севере России* [Текст] / А.А. Игнатъев // *Горизонты экономики*. – 2015. – № 4 (23). – С. 30–36.; Кусков А.С. *Рекреационная география: Учебно-методический комплекс* / Кусков А.С. – М.: МПСИ, Флинта, 2005.; Квашнина Е.Б. *Методика оценки влияния мультипликативного эффекта туристской деятельности на смежные отрасли региональной экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук*. – СПб.: Санкт-Петербургский экономический университет им.Г.В.Плеханова. 2013. – С. 10–11.; Тарасенок А.И. *Геоэкономика туризма*. – М.: ИНФРА-М; Мн.: Нов. знание, 2011. – С. 169.; Жертовская Е.В. *Разработка комплексной методики выбора и принятия управленческих решений в области развития туристского комплекса в социально-экономической системе. Автореферат диссертации*. – Таганрог, 2007. – С. 19.



олимлар томонидан туристик-рекреация фаолиятини бошқариш жиҳатлари тадқиқ этилган ҳамда соҳа ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳолашга эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасини, жумладан, туризмнинг турли тармоқларини ривожлантириш ва бошқариш жараёнлари мамлакатимизда С.С.Гулямов, М.Шарифхўжаев, М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, Қ.Х.Абдурахмонов, Н.Қ.Йўлдошев, Н.Т.Тухлиев, Б.Н.Навруз-зода, О.Ҳ.Ҳамидов, З.Дж.Адилова, М.Т.Алиева, Г.Ш.Хонкелдиева, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, А.Ф.Саидов, А.Н.Норчаев, Ш.Р.Файзиева, З.И.Усманова, З.Т.Абдулҳакимов, Б.Олланазаров<sup>6</sup> каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган олимлар туризм соҳасини ривожлантириш ва фаолиятини бошқариш жараёнларини такомиллаштириш, туризм салоҳиятини янада ошириш борасида илмий-назарий тадқиқотларни амалга ошириб, туризм фаолиятини бошқариш жараёнларини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшганлар. Бироқ улар томонидан туризм соҳасини режали ва тизимли бошқариш, соҳа фаолиятини ҳудудлар кесимида ривожлантириш, туристик-рекреация хизматлари бозори самарадорлигини ошириш, асосий ва ёндош инфратузилма тизимларини ривожлантириш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Мамлакатимизнинг юқори рекреацион салоҳиятга эга ҳудудларида туристик-рекреация хизматлари бозорини устувор тармоқ

---

<sup>6</sup> Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 203 б.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. — Тошкент, «Ўқитувчи», 2001 й. –75-77-66.; Пардаев М.К., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б.; Boltabayev M.P., Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. - Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.; N.K.Yo'ldoshev, G.E.Zaxidov. Menajment: o'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston milliy faylasuflari jamiyati, 2018. – 392 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. - 424 с.; Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б.Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. – Бухоро: «Sadriddin Salim Vohotiy» Durdoni nashriyoti, 2017 - 156 б.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дисс...канд. экон. наук. – С.: СамИСИ, 2006. -155 с.; Adilova Z.D., Aliyeva M.T., Norchayev A.N., Xursandov K.M. Turizm menejmenti: O'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2011. -116 б.; Хонкелдиева Г.Ш., Муминова Э.А., Мирзаев А.Т., Асрақулов А.А. Ўзбекистонда хизматлар соҳаси: замонавий ҳолат, муаммолар ва ривожланиш истикболлари: Монография. – Тошкент, «Наврўз», 2020. 162 бет.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодийёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; А.А.Эштаев. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) иқтисодийёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2019. – 246-б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисодийёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2016. - 254 б.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Дисс... док. экон. Наук – Т., 1994. - 252 с.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): иқт.фан.номз. дисс. – Т., 2004. - 136 б.; Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс – Т., 2006. - 156 б.; Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари: иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – С.: СамИСИ, 2018. - 56 б.; Абдулҳакимов З.Т.; Салаев С., Олланазаров Б. Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг устувор йўналишлари: монография. – Урганч: «Қувончбек-Машхура» МЧЖ нашриёти, 2020. –188 б.

сифатида ривожлантириш ва фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш, соҳа корхоналари бошқарувига таъсир этувчи омилларни комплекс баҳолаш асосида бошқарув самарадорлигини ошириш, ҳудудлар кесимида туристик-рекреация хизматлари ва унинг инфратузилмасини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-3 рақамли «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор услуб ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** туристик-рекреация фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туристик-рекреация фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уни бошқариш жараёнларининг назарий ва методологик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш;

туристик-рекреация фаолияти бошқарув жараёнига ҳамда фаолиятни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг методологик ёндашувларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

ҳудудларда туристик-рекреация фаолиятини бошқаришни инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

миллий туристик-рекреация хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари таҳлили асосида фаолият кўрсаткичлари тизимини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

туристик-рекреация фаолиятида рақамлаштиришнинг ялпи талаб ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиш ва ҳудудларда туристик-рекреация фаолиятида интеграциялашган бошқариш концепциясини амалга ошириш йўналишларини аниқлаш;

туристик-рекреация фаолиятида ресурс компонентлари умумлаштирилган кўрсаткичлари асосида мультипликатив самарани иқтисодий баҳолаш методологиясини такомиллаштириш;

туристик-рекреация фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи омиллар асосида фаолиятни бошқаришда туризм кластерларини шакллантириш механизмларини баҳолаш;

миллий туристик-рекреация фаолиятини бошқариш бўйича кўп омилли таҳлил асосида ўрта муддатли давр учун прогнозлар ишлаб чиқиш;

ҳудудий туристик-рекреация фаолиятини ривожлантиришда бошқарув қарорлари қабул қилиш методологиясини когнитив ёндашув асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон миллий иқтисодиёти таркибидаги туристик-рекреация соҳасида фаолият юритаётган корхоналар фаолияти ва уни бошқариш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** туристик-рекреация фаолиятини бошқариш жараёнлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, таққослаш, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш усули, статистик таҳлил, тизимли таҳлил, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил қилиш, PEST – таҳлил, эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш тузилмалари, ресурс тузилмаси, бошқарув тузилмаси ҳамда технологик тузилмаларни концентрациялаш асосида «худудий туристик-рекреация мажмуаси»нинг таркибий тузилишини такомиллаштириш орқали ташкилий-иқтисодий самарадорлик асосланган;

миллий статистика тизимига туристик-рекреация хизматларининг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи қўшимча индикаторларни киритиш орқали уларнинг сабаб-оқибат боғланишини ифодаловчи узок муддатли қонуниятлар асосида рекреантлар сонининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

туристик-рекреация хизматларини резервлаш механизми рақамли бошқарув платформалари базасида глобал ва локал резервлаш тизимларини интеграциялаш ҳамда объектлардаги ўрин (жой)лардан максимал фойдаланиш даражасини  $(Q_{\max} = P \cdot \frac{360}{t} \cdot 0,9)^7$  эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

мультипликатив самарани баҳолаш методикаси ёндош тармоқлар томонидан қўшимча ўсиш доирасида қилинган харажатлар ( $\theta$ )нинг прогноз миқдорини интеграл шаклидаги  $(C_t = \int_0^{\theta} \varepsilon x(t) dt, \varepsilon = \varepsilon(t))^8$   $t$  вақтга боғлиқ бўлган ва миқдор жиҳатидан бир бирлик маҳсулот (хизмат)га тўғри келувчи ўртача харажат миқдори орқали такомиллаштирилган;

туристик-рекреация тизимларида бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилиш методикасига сценарийли ёндашув бўйича когнитив моделлаштириш, ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш модели (тўлов матрицаси) ҳамда мақсадли дастурнинг энг мақбул вариантини киритиш орқали бошқарув самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

туристик-рекреация хизматлари рақобатбардошлигини интеграл баҳолашни шакллантириш босқичлари негизида туристик-рекреация корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган;

кросс-инновацияга асосланган туристик-рекреация фаолияти инновацион фаоллигини ошириш модели ишлаб чиқилган ва ундан фойдаланиш йўналишлари асосланган;

<sup>7</sup> Авторефератнинг 25-бетида келтирилган услубий ёндашувга қаралсин.

<sup>8</sup> Авторефератнинг 26-бетида келтирилган услубий ёндашувга қаралсин.

миллий туристик-рекреация хизматлари бозоридаги ривожланиш ҳолати статистик кўрсаткичлар асосида тармоқ ва ҳудудий кесимда таҳлил қилинган ҳамда ўзгариш тенденциялари аниқланган;

туристик-рекреация фаолиятини амалга оширувчи корхоналар фаолиятини ўрганиш асосида бошқарув самарадорлиги таҳлили амалга оширилган;

туристик-рекреация фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи омиллар PEST таҳлили ҳамда унинг асосида ўтказилган анкета сўровлари натижалари бўйича ҳудудий даражада баҳоланган;

туристик-рекреация кластерининг тузилмавий модели асосидаги бошқаришнинг вертикал ва горизонтал тузилмалари бўйича кластерларни бошқариш афзалликлари асосланган;

Ўзбекистон Республикасида туристик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар сони ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг корреляцион-регрессион таҳлили асосида 2021-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

UNIDO методи асосида ҳудудларда амалга оширилиши белгиланган туристик-рекреация йўналишидаги инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш асосида истиқбол кўрсаткичлари баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ахборотлар базасининг расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари манбаларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар иқтисодий эркинлаштириш шароитида туристик-рекреация хизматлари соҳасини бошқаришни ва республикамизда туризм индустриясининг самарали фаолият юритишига, миллий туризм маҳсулотининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини бошқарув стратегиялари асосида таъминлашга қаратилганлиги, шунингдек, мамлакатимиз туризм хизматлари соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида бошқарув тизими самарадорлигини оширишда, шунингдек, туризм хизматлари бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг туризм билан боғлиқ бўлган соҳаларида, ҳудудлардаги туристик-рекреация фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва уларнинг бирлашма (кластер ва мажмуа)лари фаолиятини такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш, туристик-рекреация фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил

қилиш, қисқа ва узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисларга «Туризм менежменти», «Туризм иқтисодиёти ва менежменти», «Туризм инфратузилмаси» каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хизмат кўрсатиш тузилмалари, ресурс тузилмаси, бошқарув тузилмаси ҳамда технологик тузилмаларни концентрациялаш асосида «худудий туристик-рекреация мажмуаси»нинг таркибий тузилишини такомиллаштириш орқали ташкилий-иқтисодий самарадорлик асосланган илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 02-16/2091-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши юқори ресурс салоҳиятига эга худудларда туристик-рекреация мажмуаларига рекреантларни жалб этиш ва мажмуа таркибидаги корхоналар қувватини 12-15%га оширган;

миллий статистика тизимига туристик-рекреация хизматларининг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи қўшимча индикаторларни киритиш орқали уларнинг сабаб-оқибат боғланишини ифодаловчи узоқ муддатли қонуниятлар асосида рекреантлар сонининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 02-16/2091-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида соҳа фаолиятини статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш билан бирга кўп омилли боғланишлар асосидаги таҳлиллар негизида хизматларни ривожлантириш ҳамда корхоналар фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш, тармоқ рақобат устунлигидан фойдаланган ҳолда худудларни мувозанатли ривожлантириш стратегияларини шакллантириш аниқлиги 8-12 %га ортган;

туристик-рекреация хизматларини резервлаш механизми рақамли бошқарув платформалари базасида глобал ва локал резервлаш тизимларини интеграциялаш ҳамда объектлардаги ўрин (жой)лардан максимал

фойдаланиш даражасини  $Q_{\max} = P \cdot \frac{360}{t} \cdot 0,9$  эътиборга олган ҳолда

такомиллаштириш бўйича илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 02-16/2091-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида фаолият кўрсатаётган туристик-рекреация корхоналарида яратилаётган хизматларга бўлган яширин талабни реал талабга айлантириш ва, бу билан, кўрсатилаётган хизматлар

ҳажми қисқа вақтда ўртача 21-27 %гача ортган ҳамда соҳада мавжуд бўлган мавсумийлик омили салбий таъсир даражаси 12-15 %га пасайган;

мультипликатив самарани баҳолаш методикаси ёндош тармоқлар томонидан қўшимча ўсиш доирасида қилинган харажатлар ( $\theta$ )нинг прогноз миқдорини интеграл шаклидаги  $C_t = \int_0^{\theta} \varepsilon x(t) dt$ ,  $\varepsilon = \varepsilon(t)$   $t$  вақтга боғлиқ бўлган

ва миқдор жиҳатидан бир бирлик маҳсулот (хизмат)га тўғри келувчи ўртача харажат миқдори орқали такомиллаштириш бўйича илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 02-16/2091-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга ҳудудларда мезо даражадаги ривожланиш дастурларини амалга ошириш сценарийларини ишлаб чиқиш аниқлиги 7-11% га ортган;

туристик-рекреация тизимларида бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилиш методикасига сценарийли ёндашув бўйича когнитив моделлаштириш, ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш модели (тўлов матрицаси) ҳамда мақсадли дастурнинг энг мақбул вариантини киритиш орқали бошқарув самарадорлигини асослаш бўйича илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 02-16/2091-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Андижон вилояти Хонобод шаҳри, Фарғона вилояти Фарғона тумани, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида мавжуд нисбий устунликлардан келиб чиқиб, шаҳар ва туманларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишини туристик-рекреация соҳаси доминантлиги асосида таъминлаш йўналишидаги тараққиёт стратегиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 18 та (шу жумладан, 11 та халқаро ва 7 та республика) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола нашр қилинган. Уларнинг 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 254 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **«Иқтисодийни модернизациялаш шароитида туристик-рекреация фаолиятини бошқаришнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган бўлиб, унда туризм хизматлари бозорида рекреация фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, таркибий ўзгаришлар шароитида туристик-рекреация фаолиятини бошқариш жараёнлари ривожланишининг назарий жиҳатлари, ижтимоий-иқтисодий тизимларга нисбатан ёндашувлар негизида туристик-рекреация фаолиятини ривожлантиришнинг асосий шакллари тадқиқ қилинган.

Жаҳон мамлакатларининг туристик-рекреация фаолияти ва салоҳияти бевосита уларнинг ривожланганлик даражаси, ижтимоий-иқтисодий, табиий шароити яъни табиат комплекслари, техник инфратузилмалари ривожланганлиги, саноат тармоғи, хизмат кўрсатиш тизими, маданият, санъат илм-фаннинг ривожланганлиги билан, яъни бир сўз билан айтганда, мамлакатларнинг табиий ва иқтисодий географик ўрни билан боғлиқ.

«Рекреация» (поляк тилида rekreacja – дам олиш, rekreation – қайта тиклаш маъноларини англатади) деганда инсоннинг меҳнат фаолияти давомида йўқотган кучларини қайта тиклаши тушунилади<sup>9</sup>.

Маҳаллий тадқиқотчилардан З.Т.Абдулҳакимов томонидан: «Рекреация табиий муҳитда инсон ўзининг иш қобилиятини қайта тиклай олиши ва дам олиши мумкин бўлган жойлар (табиатнинг манзарали жойлари, баланд тоғ ва тоғ олди худудлари, сув хавзалари бўйлари, сойлар, шаршаралар, табиий ёдгорликлар ва кўриқхоналар, даволаниш ва дам олишга мўлжалланган санаторий, туристик базалар, тарихий ёдгорликлар, музейлар, турли кўргазмалар, театрлар, турли маданий кечалар ва тадбирлар)ни ўз ичига олувчи ижтимоий-иқтисодий жараёнدير», – деган таъриф ишлаб чиқилган<sup>10</sup>.

Муаллифнинг фикрича, рекреацияни инсонлар дам олиш объектларида ўз соғлигини ва меҳнатга қобилиятини қайта тиклаши, сайёҳлик йўли билан табиатнинг турли масканларига бориши, архитектура ва тарихий ёдгорликларни бориб кўриши маъносида тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг бугунги тараққиётида глобал ҳамда миллий иқтисодийнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бораётган

<sup>9</sup> Кусков. А.С, Голубева. В.Л, Одинцова. Т.Н. Рекреационная география. Учебно-методический комплекс. – М.: МПСИ, Флинта. 2005

<sup>10</sup> Абдулҳакимов З.Т. Минтақада рекреациядан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида). Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – СамИСИ, 2019 й. - 12 б.

туризм соҳаси, жумладан, соҳанинг туристик-рекреация тизимлари ҳам бошқа тармоқ ва соҳалар билан чуқур алоқада бўлган яхлит тизим сифатида шаклланди. Туристик-рекреация фаолияти амалга оширилувчи туристик-рекреация тизимлари ва корхоналари фаолиятида ҳам анъанавий менежментда кўрсатиб ўтилган ишлаб чиқариш корхона ва тизимларида мавжуд бўлган бошқарув объектлари ва субъектлари мавжуд, бошқарув қонунлари ва тамойилларига амал қилади, умумий белгиланган бошқарув мақсадлари, функциялари ва вазифалари доирасида фаолият юритади.

Туристик-рекреация фаолиятини бошқариш жараёнларида бошқарувнинг ихтисослаштириш, интеграция, марказлаштириш, демократлаштириш ҳамда вақт қонунлари, шу билан бирга бошқарувда яккабошчилик ва коллегиялик, илмийлик, режалилик, бошқарув шакл ва усулларини такомиллаштириб бориш, кадрлар танлаш ва жойлаштириш, агентларнинг мустақиллиги ва эркинлиги, шахсий ташаббус ҳамда жавобгарлик ва таваккалчилик тамойиллари умумий ҳолда амал қилиб, бу қонун ва тамойиллар бошқа тармоқлардаги ҳолатдан соҳадаги фаолиятни ташкил этиш хусусиятларидан келиб чиқиб фарқланади. Шу билан бирга, соҳадаги бошқариш жараёнларида ҳам маркетинг, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, ҳисоб ва назорат функциялари каби умумий функциялар билан бирга асосий фаолиятни бошқариш, қўшимча хизматларни бошқариш, хизмат сифатини бошқариш ҳамда меҳнат ва иш ҳақини бошқариш сингари аниқ функциялар бажарилиши таъминланади<sup>11</sup>.

Жаҳонда туризм соҳасини бошқариш ва тартибга солишда давлат иштироки моделларининг уч тури мавжуд. Биринчи модель АҚШ, иккинчи модель Миср, Туркия, Тунис сингари мамлакатлар ҳамда учинчи модель Европа мамлакатлари (Германия, Франция, Испания, Буюк Британия ва бошқалар)га хосдир.


Тадқиқот жараёнида назарий-услубий жиҳатдан тадқиқ этилган бошқарув қонунлари, тамойиллари, функция ҳамда усуллари асосида туристик-рекреация фаолиятини бошқариш самарадорлиги умумий ҳолда юқори сифатли инновацион рақобатбардош миллий туризм маҳсулотини ишлаб чиқиш, рағбатлантириш ва жорий этиш; туризм фаолияти хавфсизлигини таъминлаш; туризм ташкилотчилари ва давлат бошқарув тузилмалари ўртасида бевосита алоқани шакллантириш; фаолиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи туристик расмиятчиликларни, божхона, солиқ ва бошқа қийинчиликларни бартараф этиш; туризм маҳсулот ва хизматлари истеъмолчиси ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўртасида мувозанат қарор топишига йўналтирилган нарх сиёсатини шакллантириш; замонавий ахборот технологияларидан реклама фаолияти ҳамда электрон бизнес орқали савдони оширишда кенг фойдаланиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда туризм бизнесини юритиш; туризм фаолиятини самарали олиб бориш учун зарур бўлган соҳаларда маркетинг тадқиқотларини ҳар томонлама ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда туризм соҳасида ходимларнинг касбий даражасини яхшилаш билан белгиланиши

<sup>11</sup> Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001 й. 75-77-бб.



мақсадга мувофиқ.

Туристик-рекреация мажмуаси тизимнинг асосий шаклларида бири бўлиб, мажмуада мақсадли равишда турли тармоқлардаги корхоналар (товар ва хизматларни етказиб берувчилар) аниқ ҳудудда тўпланган мижозлар эҳтиёжларини қондириш учун фаолият юритади, туристик-рекреация ресурслари ҳамда инфратузилмани таъминлайди. Туристик-рекреация мажмуаси элементларининг тузилмавий ёндашувлари таҳлили объектни иккита йўналишда: туристик-рекреация мажмуаси (ТРМ) таркибига кирувчи корхоналар таснифи ҳамда мажмуанинг яхлит таркиби йўналишида ўрганиш мумкинлигини кўрсатади (1-расм).



1-расм. Туристик-рекреация мажмуасининг таркибий тузилиши<sup>12</sup>

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Туристтик-рекреация мажмуалари, умумий ҳолда, улар жойлашган ҳудуд иқтисодиёти учун икки томонлама аҳамиятли бўлиши мумкин:

- туристик-рекреация фаолиятига ихтисослашган ҳудудлар учун мажмуа бошқарув тизими вазифасини бажаради;

- туристик-рекреация фаолияти ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун асосий бўлмаган ҳудудларда бошқариладиган тизим вазифасини бажаради.

Туристтик-рекреация фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш шаклларига ёндашувлар асосида туристик-рекреация мажмуасининг оптимал таркибий тузилиши бўйича фаолиятни ривожлантириш учун танланган механизм ва воситалардан фойдаланиш қуйидагиларга эришиш имконини беради:

туристик-рекреация мажмуаларидан иборат ҳамда миждозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган туристик-рекреация тизимини ривожлантириш;

асосий фаолият тузилмаси ва қўллаб-қувватловчи инфратузилмани ривожлантириш билан рекреацион салоҳият юқори бўлган ҳудуддан интеграциялашган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;

туристик-рекреация мажмуалари фаолияти ривожланиши билан маҳаллий ва ҳудудий бюджет даромадлари (солиқ тушумлари)ни ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудуд иқтисодиётида инвестиция жараёнларини бошқариш.

Диссертация ишининг «Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятини ривожлантиришга методологик ёндашувлар» номли иккинчи бобида туристик-рекреация фаолиятини бошқариш жараёнларига методологик ёндашувлар, туристик-рекреация фаолиятини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг методологик жиҳатлари ҳамда ҳудудларда туристик-рекреация фаолиятини бошқаришни инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари тадқиқ этилган.

Турли хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш назарияси ва амалиётининг таҳлили бошқарув жараёнларига 13 та асосий илмий ёндашувни қўллаш заруратини ўрнатиш имконини беради.

Ҳозирги кунда туризм, жумладан, туристик-рекреация фаолиятидаги назарий тадқиқотлар ҳамда амалий бошқарув жараёнларида бошқарув назарияси ва амалиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган вазиятли, тизимли ва жараёнли ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туристтик-рекреация фаолиятида ҳам хизматлар соҳасининг бошқа йўналишларидагидек моддий ишлаб чиқаришдаги бошқарув жараёнларидан маълум даражада фарқланувчи ҳамда аниқ вазият, жараён ҳамда тизим билан боғлиқ ҳолдаги бошқарув ёндашувлари кўпроқ самарали ҳисобланади. Туристтик-рекреация фаолиятини бошқариш жараёнларида жараённинг хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиқиб, кўрсатиб ўтилган ёндашувларни тўғри қўллаш фаолиятни самарали бошқариш имконини беради.

Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш йўналишидаги мавжуд методологияларни ўрганиш асосида соҳа корхоналари рақобатбардошлигини баҳолаш 3 та асосий йўналишда: корхонанинг иқтисодий самарадорлиги, таклиф этилаётган туристик маҳсулот сифати самарадорлиги, хизматларни сотиш самарадорлигини умумлаштирувчи корхона рақобатбардошлигининг умумий йиғма коэффиценти бўйича баҳоланиши мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

Туристик-рекреация иқтисодий фаолияти самарадорлиги йиғма коэффиценти:

$$K_{ис} = \sqrt[3]{K_{мф} \times K_{фф} \times K_{кс}} \quad (1)$$

Туристик-рекреация корхоналари фаолиятида хизматлар сифати самарадорлиги йиғма коэффиценти:

$$K_{сс} = \sqrt{K_{ас} \times K_{кс}} \quad (2)$$

Туристик-рекреация маҳсулотларини сотишнинг комплекс самарадорлиги йиғма коэффиценти:

$$K_{ск} = \sqrt[4]{C_1 \cdot C_2 \cdot C_3 \cdot C_4} \quad (3)$$

Туристик-рекреация корхонаси рақобатбардошлигининг умумий йиғма коэффиценти:

$$K_{ур} = K_{ис} + K_{сс} + K_{ск} \quad (4)$$

Туристик-рекреация фаолиятида инновацион фаолликни ривожлантиришни моделлаштириш туристик-рекреация фаолияти иштирокчиларининг инновацион фаолиятидаги энг мураккаб жараён ҳисобланади. Инновацион фаолликни моделлаштиришга бугунги кунгача бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири масалага ёндашувнинг тури ва хусусиятлари билан фарқланади.

Туристик-рекреация фаолиятида инновацион фаолликни ривожлантиришни моделлаштириш бўйича ёндашувларни таҳлил қилиш мавжуд ёндашувлар моделлаштиришга тизимли ёндашувдан фойдаланиш асосида келтирилганлиги, туристик-рекреация фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг жойлашиши, ресурслар ва инфратузилмани қўллаб-қувватлашни ҳисобга олувчи ёндашувлар мавжудлиги, бир қатор моделлар гомеостатика тамойилини ҳисобга олиши ҳамда туристик-рекреация фаолиятининг ички захираларини ҳисобга олувчи моделлаштиришга ёндашув мавжуд эмаслиги каби хулосаларни шакллантириш имконини берди.

Назарий тадқиқотларга асосланган ҳолда туристик-рекреация фаолиятида ҳудудларда туристик-рекреация фаолияти субъектлари ва манфаатдор томонларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган кросс-инновацияга асосланган туристик-рекреация фаолияти инновацион фаоллигини ошириш модели шакллантирилди ва амалиётда фойдаланишга тавсия этилди (2-расм).



**2-расм. Кросс-инновацияга асосланган туристик-рекреация фаолияти инновацион фаоллигини ошириш модели<sup>13</sup>**

Таклиф этилаётган кросс-инновациялар модели бўйича туристик-рекреация фаолиятида инновацион фаолликни бошқариш ва режалаштириш асосида мавжуд туристик-рекреация хизматларидан фойдаланиш даражасини максималлаштириш ва хизматлар таклифини самарали ташкиллаштиришда соҳада инновацион салоҳиятнинг ресурс компонентларидан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш соҳанинг ривожланиш даврини янада қисқартиради. Бу эса, рекреацион хизматлар бозорида талаб ва таклиф муносабатларининг юқори тўйиниш нуқтасини белгилашга асос бўлади ҳамда худудлар кесимида туристик-рекреация хизматлар бозорининг ривожланиш диффузиясини тезлаштиради, янги иш ўринлари яратади, аҳолининг самарали бандлиги таъминланади.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятининг ривожланиш тенденциялари ва улардан бошқариш жараёнларида фойдаланиш даражаси таҳлили» деб номланган ва ушбу бобда миллий туристик-рекреация хизматлари бозоридаги ривожланиш тенденциялари таҳлили ва таҳлил методологиясида кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш, рекреацион хизматлар бозорида рақамлаштиришнинг ялпи талаб ўзгаришига таъсири таҳлили ҳамда худудларда туристик-рекреация

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фаолиятида интеграциялашган бошқариш концепциясини амалга ошириш масалалари тадқиқ қилинган.

Расмий статистика маълумотлари асосидаги рекреация объектларининг ҳолати ва ўзгариш динамикаси таҳлили мамлакатимизда санаторий ва дам олиш муассасалари сони 2011 йилда 323 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил якунида бу кўрсаткич 514 тага етган. Бошқача айтганда, таҳлил қилинган йиллар давомида туристик-рекреация ресурс компонентлари сони 191 тага ортган. Мавжуд объектларда жойлар сони 2011 йилда 53100 тани, 2020 йил якунига келиб 62100 тани ташкил этган. Туристик-рекреация ресурс компонентлари миқдорининг ортиши кўрсаткичига мутаносиб равишда жойлар сони ҳам 9000 тага кўпайган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Миллий туристик-рекреация тизимидаги мавжуд ресурс компонентларининг асосий кўрсаткичлари<sup>14</sup>

| №       | Туристик-рекреация фаолияти кўрсаткичлари               | Йиллар |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
|---------|---|--------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
|         |   | 2011   | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| 1.      | Санаторий ва дам олиш муассасалари сони - жами          | 323    | 351  | 370  | 387  | 392  | 434  | 460  | 484  | 509  | 514  |
|         | уларда ўринлар (жойлар), минг та                        | 53,1   | 52,5 | 52,4 | 56,8 | 58,2 | 57,3 | 57,1 | 59,2 | 61,6 | 62,1 |
| Шундан: |   |        |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
| 2.      | Санаторийлар сони                                       | 93     | 94   | 98   | 103  | 111  | 116  | 119  | 128  | 126  | 126  |
|         | уларда ўринлар (жойлар), минг та                        | 13,2   | 13,2 | 13,2 | 15,6 | 16,8 | 16,6 | 17   | 19,4 | 19,0 | 19,0 |
| 3.      | Санаторий – профилакториялар сони                       | 56     | 51   | 55   | 59   | 56   | 62   | 63   | 73   | 76   | 77   |
|         | уларда ўринлар (жойлар), минг та                        | 3,8    | 4,0  | 4,9  | 5,5  | -5,2 | 5,4  | 5,2  | 6,7  | 7,9  | 8,1  |
| 4.      | Дам олиш уйлари, дам олиш базалари ва пансионатлар сони | 31     | 40   | 49   | 53   | 53   | 52   | 59   | 84   | 103  | 105  |
|         | уларда жойлар, минг та                                  | 4,5    | 5,1  | 5,3  | 5,3  | 5,1  | 4,9  | 5    | 5,5  | 8,4  | 8,5  |
| 5.      | Сайёҳлик базалари ва бошқа дам олиш муассасалар сони    | 143    | 166  | 168  | 172  | 172  | 204  | 219  | 199  | 204  | 206  |
|         | уларда жойлар, минг та                                  | 31,6   | 30,3 | 29   | 30,5 | 31,1 | 30,5 | 29,9 | 27,7 | 26,2 | 26,5 |

Жадвал маълумотларига кўра, таҳлил қилинган мазкур 10 йил давомида туристик-рекреация ресурс компонентлари сони мунтазам ортиб борган. Бунинг кейинги йилларда инсонларнинг рекреация хизматларига потенциал талаби ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатнинг турли ҳудудларидаги мавжуд салоҳияти эътиборга олинса, туристик-рекреация ресурс компонентларининг сони ташриф буюраётган туристлар эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун етарли эмас. Шу билан бирга фаолият юритаётган санаторий ва курортлар мамлакат

<sup>14</sup> Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

минтақалари доирасида нотекис тақсимланган. Бунда, албатта, рекреация ресурсларининг ҳудудий ташкил этилганлиги, улар амалга ошираётган функцияларнинг хилма-хиллиги муҳим аҳамият касб этади. Кўрсатиб ўтилган хусусиятларни ҳудудлар бўйича тақсимот акс эттирилган маълумотларда яққол кузатиш мумкин.

Таҳлил қилинган йиллар давомида республикада туристик-рекреация объектлари сони ва унда кўрсатиладиган хизматлар тури кўпайиб бориши билан бирга уларда номерлар сони ва мавжуд номерлардаги жойлар сони ҳам ортиб бормоқда. Республикада бўйича 2011-2020 йиллар оралиғида мавжуд рекреация объектларидан фойдаланиш даражаси ўрганилганда, улардаги номерлар сони ва жойлар сони юқори нисбатда ортанлиги кузатилади. 2011 йилда мамлакатимиз рекреация объектларида мавжуд номерлар сони 7149 тани, 2020 йилда эса ушбу рақам 11008 тани ташкил этган. Уларда ётишга мўлжалланган жойлар сони 2011 йилда 16999 тани, 2020 йилда 28109 тани ташкил этган. (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлардаги рекреация объектларининг 2011-2020 йиллардаги ривожланиш динамикаси<sup>15</sup>

| Худудлар                     | Йиллар               |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |
|------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---------------------------------|
|                              | 2011                 |                                 | 2012                 |                                 | 2013                 |                                 | 2014                 |                                 | 2015                 |                                 | 2016                 |                                 | 2017                 |                                 | 2018                 |                                 | 2019                 |                                 | 2020                 |                                 |
|                              | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони | мавжуд номерлар сони | ётишга мўлжалланган жойлар сони |
| Ўзбекистон Республикаси      | 7149                 | 16999                           | 7522                 | 17228                           | 7953                 | 18182                           | 8909                 | 21350                           | 9379                 | 22098                           | 9629                 | 22215                           | 9747                 | 22625                           | 10867                | 27293                           | 10995                | 28073                           | 11008                | 28109                           |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 311                  | 855                             | 321                  | 778                             | 331                  | 757                             | 347                  | 750                             | 361                  | 791                             | 364                  | 778                             | 370                  | 796                             | 367                  | 810                             | 292                  | 566                             | 293                  | 568                             |
| <b>вилоятлар</b>             |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |                      |                                 |
| Андижон                      | 314                  | 855                             | 314                  | 855                             | 384                  | 944                             | 287                  | 823                             | 276                  | 801                             | 302                  | 675                             | 318                  | 923                             | 470                  | 976                             | 379                  | 835                             | 380                  | 837                             |
| Бухоро                       | 224                  | 470                             | 163                  | 175                             | 247                  | 470                             | 202                  | 430                             | 202                  | 430                             | 252                  | 530                             | 252                  | 530                             | 302                  | 620                             | 312                  | 620                             | 313                  | 624                             |
| Жиззах                       | 267                  | 672                             | 319                  | 762                             | 408                  | 912                             | 326                  | 700                             | 349                  | 750                             | 431                  | 872                             | 457                  | 976                             | 625                  | 1508                            | 642                  | 1268                            | 644                  | 1272                            |
| Қашқадарё                    | 433                  | 885                             | 438                  | 1015                            | 445                  | 1095                            | 467                  | 1010                            | 445                  | 1007                            | 421                  | 946                             | 465                  | 1120                            | 532                  | 1567                            | 582                  | 2305                            | 583                  | 2312                            |
| Навоий                       | 301                  | 582                             | 297                  | 570                             | 299                  | 578                             | 321                  | 670                             | 328                  | 655                             | 348                  | 655                             | 365                  | 745                             | 365                  | 745                             | 357                  | 745                             | 357                  | 756                             |
| Наманган                     | 1067                 | 2458                            | 1083                 | 2425                            | 1010                 | 2200                            | 1127                 | 2490                            | 1201                 | 2562                            | 1351                 | 2773                            | 1358                 | 2786                            | 1370                 | 2791                            | 1441                 | 2915                            | 1442                 | 2915                            |
| Самарқанд                    | 272                  | 862                             | 290                  | 869                             | 392                  | 1032                            | 445                  | 1372                            | 555                  | 1655                            | 606                  | 1820                            | 664                  | 2006                            | 765                  | 2586                            | 831                  | 2837                            | 831                  | 2837                            |
| Сурхондарё                   | 125                  | 430                             | 231                  | 592                             | 274                  | 806                             | 248                  | 554                             | 336                  | 744                             | 373                  | 774                             | 442                  | 1116                            | 462                  | 1523                            | 319                  | 1293                            | 319                  | 1293                            |
| Сирдарё                      | 54                   | 112                             | 54                   | 112                             | 64                   | 103                             | 54                   | 112                             | 6                    | 12                              | 3                    | 6                               | 3                    | 6                               | -                    | -                               | 69                   | 264                             | 69                   | 264                             |
| Тошкент                      | 1539                 | 3500                            | 1920                 | 4006                            | 1909                 | 3933                            | 2038                 | 4035                            | 2271                 | 4433                            | 2288                 | 4463                            | 2264                 | 4535                            | 2521                 | 5137                            | 3007                 | 6250                            | 3009                 | 6256                            |
| Фарғона                      | 1210                 | 2898                            | 1191                 | 2821                            | 1252                 | 2972                            | 2045                 | 5073                            | 2047                 | 4707                            | 1892                 | 4294                            | 1807                 | 3761                            | 1790                 | 4392                            | 1677                 | 4183                            | 1679                 | 4183                            |
| Хоразм                       | 115                  | 445                             | 115                  | 445                             | 120                  | 445                             | 88                   | 405                             | 88                   | 405                             | 88                   | 405                             | 88                   | 405                             | 132                  | 791                             | 108                  | 616                             | 109                  | 616                             |
| Тошкент ш.                   | 917                  | 1975                            | 786                  | 1803                            | 818                  | 1935                            | 914                  | 2926                            | 914                  | 3146                            | 910                  | 3224                            | 894                  | 2920                            | 1166                 | 3847                            | 979                  | 3376                            | 980                  | 3376                            |

Туристтик-рекреация фаолияти объектларида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва уларнинг ресурс салоҳиятини таққослама баҳолаш мақсадида Фарғона вилояти Фарғона туманида жойлашган «Чимён», Бешариқ туманида жойлашган «Раққон сиҳатгоҳи» санаторийлари ва Қувасой шаҳар Арсиф

<sup>15</sup> Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

худудда жойлашган «Аҳмад ал-Фарғоний» дам олиш масканининг 2018-2020 йиллардаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда туристик-рекреация фаолиятини комплекс ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлган моделларни ишлаб чиқиш ва соҳани модель параметрлари асосида бошқариш имконияти мавжуд бўлса-да, соҳа фаолиятини моделлаштириш учун зарур бўлган статистик кўрсаткичлар тизими миллий статистика тизимида етарли даражада мавжуд эмас.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт ва унинг таркибидаги тармоқ ва соҳалар ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичларни ўз ичига олувчи Давлат статистика ишлари йиллик Дастури сўнгги йилларда янгиланиб, кенгайтирилган бўлса-да, унинг туристик-рекреация фаолиятини акс эттирувчи статистик кўрсаткичларга алоқадор бўлимларига айрим ўзгаришлар киритиш лозим. Тадқиқот жараёнида дастурни таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолияти кўрсаткичларини баҳолашда қуйидаги тизимли камчиликлар ҳамда бартараф этилиши лозим бўлган жиҳатлар аниқланди:

1. Туристик-рекреация хизматлари бозоридаги ҳолатни омилли боғланиш асосида таҳлил қилиш учун зарур кўрсаткичларнинг етарли даражада қамраб олинмаганлиги.

2. Статистик маълумотларни йиғиш ва умумлаштиришда қўлланилаётган методологиянинг умумқабул қилинган халқаро стандартларидан фарқланиши.

Муаллифнинг фикрича, биринчи масаланинг кескинлигини маълум даражада пасайтириш учун миллий статистика тизими томонидан қуйидаги кўрсаткичларни йиғиш мақсадга мувофиқ:

туристик-рекреация ресурслари сони ва қувватини ифодаловчи кўрсаткичлар; ички ва ташқи рекреантлар сони; таклиф этилаётган ва истеъмол қилинган туристик-рекреация маҳсулотининг турлари бўйича ҳажми; ялпи ички ва ҳудудий маҳсулотда, шу билан бирга, макро ва мезо даражада ялпи хизматлар ҳажмидаги туристик-рекреация хизматлари ҳажми кўрсаткичлари; туристик-рекреация соҳасига киритилаётган ички ва ташқи инвестициялар ҳажми; туристик-рекреация соҳасидаги асосий ва қўшимча хизматларда банд меҳнат ресурслари ҳажми.

Таклиф этилаётган зарур туристик-рекреация фаолияти кўрсаткичларини киритиш асосида соҳа фаолияти кўрсатиб ўтилган тартибда таҳлил қилиниб баҳоланса, уни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган кўп омилли моделлар асосида фаолият самарадорлиги даражаси ортишига эришиш мумкин. Миллий статистика тизимида туристик-рекреация хизматлари бозори кўрсаткичларини ҳисоблаш ва бозор ҳолати таҳлилида ривожланган мамлакатларда қўлланилувчи ҳосила кўрсаткичлар ва таҳлилларнинг қўлланилиши бозор ҳолатини аниқроқ кузатиш ҳамда бошқариш имконини беради.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожланишининг бугунги босқичида иқтисодиёт тармоқлари кесимида хизматлар соҳасининг ривожланиш

даражаси бошқа тармоқ ва соҳаларга нисбатан анча юқори. Бунинг асосий омили сифатида иқтисодиётнинг рақамлашуви кўрсатиб ўтилмоқда. Чунки рақамли иқтисодиётнинг кенг жорий этилиши билан иқтисодиёт хизматлар соҳасидан бошқа соҳалари ҳам ўз фаолиятини хизматлар воситачилигида амалга оширишига тўғри келмоқда.

Хизматларнинг жадал рақамлашуви шароитида туристик-рекреация хизматлари бозорида талаб тўлиқ шаклланиши, яъни мавжуд реал талабга яширин талабнинг уйғунлашуви асосида потенциал талаб шаклланишига туристик-рекреация корхоналари томонидан фаолият йўналишлари, рекреацион маҳсулот турлари ва хусусиятлари, инфратузилма ва қўшимча хизмат турлари тўғрисидаги ахборотларни ўзида жамлаган глобал (локал) ахборот маконлари (веб-сайтлар, рақамли платформалар ва бошқалар) билан бирга уларда туристик-рекреация хизмати тақдим этиладиган ўринлар ва хизматларни резервлаш тизими мавжудлиги кучли таъсир кўрсатмоқда.

Муаллиф келгусида туристик-рекреация хизматларидан фойдаланишда рақамли резервлаш тизимини кенг жорий этишни таклиф қилади. Таклиф этилаётган рақамли резервлаш тизимидан фойдаланиш механизми молиявий имконияти ва рекреацион маҳсулот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда кичик ёки ўрта туристик-рекреация корхоналари учун ҳамда йирик рекреация корхоналари (кластерлар, мажмуалар) учун ҳам бирдек самарали бўлган алоқаларни ўз ичига олади (3-расм).

Рекреация объектларидан фойдаланиш даражасини ошириш реал талабни шакллантириш ва унинг ҳажмини ошириш рекреация хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан мавжуд максимал қувватни тўлиқ ишга тушириш ҳамда шу асосда кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадларни оширишга йўналтирилган ташкилий-бошқарув тадбирлари амалга оширилишига боғлиқ.

Туристик-рекреация фаолияти туризм соҳасининг бошқа йўналишлари сингари бошқарув жараёнларини бир бутун тизим шаклида ташкил этиш ҳамда давлат бошқарув тузилмаларининг доимий қўллаб-қувватлашини талаб қилувчи фаолият соҳасидир.

Туристик-рекреация тизимларини тўлиқ рақамли резервлаш тизимига ўтказиш натижасида ўрин (жой)лардан максимал фойдаланиш имкониятини қуйидаги боғланиш асосида ҳисоблаш таклиф этилади:

$$Q_{\max} = P \cdot \frac{360}{t} \cdot 0,9$$

Бу ерда:

$Q_{\max}$  – рекреация объектларининг йиллик максимал қуввати (киши);

$P$  – рекреация объектларидаги мавжуд ўрин (жой)лар сони;

$360$  – ўрин (жой)лардан йил давомида фойдаланиладиган кунлар сони;

$t$  – бир ўрин (жой)дан бир мижознинг ўртача фойдаланиш давомийлиги (ўртача миқдор 12 кунни ташкил этади);

$0,9$  – рақамли резервлаш тизимидан фойдаланишнинг максимал самарали кўрсаткичи (ўртача 10 % йўқотишни ҳисобга олган ҳолда).





рақобатбардошлик устунликларини аниқ белгилашга асосланган бўлиши керак. Стратегиялар манфаатдор гуруҳлар (ҳукумат тузилмалари, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий жамоатчилик)нинг фикрини ҳам ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва ўзгартирилади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда стратегик бошқарув замонавий бошқарув амалиётларига, хусусан, стратегик ўзгаришларни интеграциялашган бошқарувга таяниши керак.

Диссертация ишининг тўртинчи боби «**Туристтик-рекреация фаолиятини бошқариш жараёнларининг ривожланиши ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган ва бу бобда туристик-рекреация фаолиятида ресурс компонентлари умумлаштирилган кўрсаткичлари асосида мультипликатив самарани иқтисодий баҳолаш, туристик-рекреация фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи омилларни ҳудудий ёндашув асосида баҳолаш ҳамда туристик-рекреация фаолиятини бошқаришда туристик кластерларни шакллантириш механизмларини баҳолаш масалалари тадқиқ этилган.

Ҳар бир иқтисодий фаолият каби туристик-рекреация фаолияти ҳам нафақат туризм хизматлари соҳаси, балки миллий иқтисодиётнинг умумий тараққиётига ўз хиссасини қўшади. Туристтик-рекреация фаолиятида фойдаланилувчи туристик-рекреация компонентларини ташкил этувчи ресурслардан фойдаланиш корхона даражасида рекреация хизматларини яратишдаги ресурс сифатида фойдаланилса, бу бир вақтнинг ўзида тармоқ ва миллий иқтисодиётда мультипликатив самара юзага келишига олиб келади.

Тадқиқот жараёнида туристик-рекреация фаолиятида мультипликатив самарани баҳолаш имконини берувчи методологияни назарий-услубий жиҳатдан ўрганиш асосида уни умумий ҳолатда баҳолаш имконини берувчи методологияни такомиллаштиришга ҳаракат қилинди. Туристтик-рекреация фаолиятининг мультипликатив самарасини аниқлаш алгоритми асосида шакллантирилган мультипликатив самара таъсирини баҳолашнинг таркибий модели соҳа натижаларининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётига мультипликатив самарасини баҳолаш имконини кенгайтиради.


Миллий иқтисодиёт даражасида ёндош тармоқлар томонидан қўшимча ўсиш доирасида қилинган харажатлар ( $\theta$ )нинг прогноз миқдорини интеграл шаклда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$C_t = \int_0^{\theta} \varepsilon x(t) dt,$$

Бу ерда  $\varepsilon = \varepsilon(t)$   $t$  вақтга боғлиқ бўлган ва миқдор жиҳатидан бир бирлик маҳсулот (хизмат)га тўғри келувчи ўртача харажат миқдорига тенг қиймат. Туристтик-рекреация фаолиятида эса ёндош тармоқлар тушумини баҳолаш учун бундай тармоқлар учун асосий тармоқ томонидан таъминланаётган рекреантлар оқимидан фойдаланилади. Бунда  $\varepsilon = \varepsilon(t)$   $t$  вақтга боғлиқ бўлган ва миқдор жиҳатидан бир бирлик рекреацион маҳсулот (хизмат)га тўғри келувчи ўртача тўлов миқдорига тенг бўлган қиймат. Туризм маҳсулоти учун умумий ҳолда  $de/dt > 0$ , эканлигини назарда

тутилса, ёндош тармоқлар томонидан рекреантлар оқими ( $x$ ) бутун давр мобайнида қўшимча хизмат (маҳсулот)лар билан таъминланади.

Бу методологиядан туристик-рекреация салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда фаолиятни ташкил этишнинг ҳудуд ялпи тараққиёти даражасига мультипликатив самарани аниқлаш мумкин (4-расм).



**4-расм. Туристтик-рекреация фаолияти натижасида юзага келувчи мультипликатив самара таъсирини баҳолашнинг таркибий модели<sup>17</sup>**

Ҳозирги кун турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар фаолият самарадорлигига омиллар таъсирини таҳлил қилиш ва ўрганишнинг бир қанча илмий асосланган самарали методологиялари мавжуд бўлиб, тадқиқотда ҳудудларда туристик-рекреация фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи энг муҳим омилларни ажратиб олиш ҳамда уларни баҳолашда

<sup>17</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

омил кўрсаткичлари таъсир даражаси ва таъсир кучини баҳолаш имкони кенгрок бўлган PEST (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-демографик ва технологик омиллар) таҳлилдан фойдаланилди.

Экспертлар томонидан 4 та гуруҳга бирлаштирилган омилларнинг таъсир даражаси PEST таҳлил методологиясидан келиб чиққан ҳолда, 1-3 гача бўлган даража асосида белгиланди ҳамда туристик-рекреаци фаолиятига таъсир этувчи омиллар таъсир даражаси ва таъсир кучи бўйича баҳоланди.

Худудларда туристик-рекреация фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида PEST таҳлил билан бир вақтнинг ўзида Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятидаги туристик-рекреация фаолияти билан шуғулланувчи 120 нафар тадбиркорлик субъекти ўртасида мазкур фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга омиллар таъсири йўналишида шакллантирилган анкета сўровномаси асосида сўров ўтказилди. Экспертлар иштирокида амалга оширилган PEST таҳлил ҳамда соҳада фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган анкета сўрови натижалари таҳлиliga асосланган ҳолда келгусида мамлакатимизда туристик-рекреация фаолиятини ривожлантириш ва соҳани бошқариш жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича фаолият йўналишлари аниқланди.

Туристтик-рекреация фаолиятини кластерли ёндашув асосида ташкил этиш мавжуд тизимдаги корхоналар фаолияти бошқарувини интегратив омил асосида қайта ташкил этилишини таъминлаш орқали асосий фаолият ва унинг атрофида шакллланувчи инфратузилма тизимлари фаолиятини бир мақсад йўлида бирлаштиради. Шу боис, мамлакатимиз худудларида мавжуд туристик-рекреация фаолиятини ривожлантириш учун кластерли ёндашув таклиф этилмоқда. Туристтик-рекреация кластери ҳам умумий фаолият йўналишида асосий хизматлар атрофида бирлаштирилган, турли фаолият йўналишидаги кўплаб корхоналардан иборат 3 та таркибий тузилма йиғиндисидан иборат. Таклиф этилаётган кластер фаолияти дастлабки кластерга бирлаштирилмаган ҳолатдаги алоҳида корхоналарнинг ўз манфаатларини устун қўйган ҳолдаги фаолиятига эмас, балки ўзаро кооперация ва ҳамкорликка асосланган бир мақсад йўналишидаги фаолиятлар йиғиндисидан ташкил топади. Туристтик-рекреация кластери тузилмасидаги тизим корхоналари ҳам алоҳида корхоналар, ҳам тизим шаклидаги корхоналар йиғиндисидан иборат бўлишини эътиборга олиб, кластернинг бошқарув тузилмасини вертикал ҳамда горизонтал бошқарув тузилмаларининг бирикмаси кўринишида, яъни бошқарув самарадорлигини ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аралаш бошқарув тузилмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертация ишининг «**Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятини бошқариш жараёнларини моделлаштириш истиқболлари**» деб номланган бешинчи бобида миллий туристик-рекреация фаолиятини бошқаришда моделлаштириш истиқболлари, туристик-рекреация фаолиятига инвестициялар жалб этиш ва инвестиция лойиҳаларини молиявий баҳолаш услубиёти ҳамда худудий туристик-рекреация фаолиятини ривожлантиришда

бошқарув қарорлари қабул қилиш методологиясини когнитив ёндашув асосида такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Туристик-рекреация фаолияти ривожланишини макро ёки мезо даражада бошқариш фаолиятнинг ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир этувчи энг муҳим омилларни бошқаришга асосланади. Бундай омилларни ажратиб олиш ва уларнинг натижавий омил, яъни соҳанинг ялпи хизматлари ҳажмига таъсири асосидаги омилли моделлар корреляцион-регрессион таҳлил асосида амалга оширилади ҳамда натижавий кўрсаткичнинг тузилган эконометрик моделлар орқали ҳисобланган прогнозлари ёрдамида фаолиятни ривожлантириш сценарийлари ишлаб чиқилади. Соҳанинг ривожланиш жараёнлари эконометрик таҳлилда кўп омилли ишлаб чиқариш функциялари ва улардан келиб чиқадиган функциялардан кенг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда миллий туристик-рекреация хизматлари соҳасининг ялпи хизматлар ҳажмини шакллантирувчи рекреантлар оқими ҳажми ўзгаришини кўп омилли боғланиш асосида ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги эконометрик моделлари аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида туристик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар сони ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари<sup>18</sup>

| Йиллар | Туристик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар сони, минг нафар ( $Y$ ) | Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм ( $X_1$ ) | Туристик-рекреация дестинация-ларидаги мавжуд ўринлар сони, бирлик ( $X_2$ ) | Аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми, минг сўм ( $X_3$ ) | Аҳоли жон бошига тўғри келган хизматлар ҳажми, минг сўм ( $X_4$ ) |
|--------|--|--|--|---|---|
| 2011   | 255,1  | 19500  | 16999  | 2264,8  | 1199,6  |
| 2012   | 275,7  | 24455,3  | 17228  | 2831,6  | 1490,7  |
| 2013   | 265,5  | 30490,1  | 18182  | 3142,1  | 1847,4  |
| 2014   | 291,6  | 37646,2  | 21350  | 3601,3  | 2211,9  |
| 2015   | 310,2  | 44810,4  | 22098  | 4805,2  | 2509  |
| 2016   | 334,8  | 51232,0  | 22215  | 5503,5  | 3047,3  |
| 2017   | 355,7  | 72155,2  | 22625  | 6227,8  | 3668,3  |
| 2018   | 426,6  | 124231,3   | 27293  | 7300,2  | 4578,5  |
| 2019   | 528,3  | 195927,3   | 28073  | 8963,7  | 5768,2  |
| 2020   | 448,6  | 202000,1   | 28109  | 9264,7  | 6393,2  |


Ажратиб олинган асосий эндоген ва экзоген омиллар боғланиши асосида туристик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар сонининг ўзгариш трендларини аниқлаш мақсадида юқоридаги вақтли қатор кўринишидаги маълумотларни EViews10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди. Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда туристик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар миқдори ва унга таъсир этувчи омиллар таъсирида ўзгаришининг кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра ушбу жараённи ифодаловчи:

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$y = 0.00172 \cdot x_1 + 0.00602 \cdot x_2 + 0.06314 \cdot x_3 - 0.11821 \cdot x_4 + 122,539$$

(1)-регрессия тенгламаси тузилди.

Кўп омили эконометрик моделдан фойдаланган ҳолда туристик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар сонининг ўрта муддатда, яъни 2011-2025 йилларда ўзгариш қийматлари графикда ифодаланди (5-расм).



**5-расм. Туристтик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар сони кўрсаткичининг 2011-2025 йилларда ўзгариши<sup>19</sup> (минг киши)**


Тузилган тренд моделидан фойдаланишда тармоққа киритилаётган ресурслар (экзоген омиллар) ҳажмини ҳар бир бирлик қўшимча киритилаётган ресурс бирлигидан олинган самарани ҳисобга олган ҳолда белгилаш ресурс самарадорлигини оптимал таъминлаш имконини беради ҳамда тармоқнинг мувозанатлашган ҳолда барқарор ривожланишини таъминлайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг туристик-рекреация соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ҳолатини ўрганиш мақсадида туристик-рекреация фаолиятига йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш бўйича тадқиқотни амалга ошириш даврида айнан туристик-рекреация хизматларини ташкил этиш йўналишида Фарғона, Андижон ва Тошкент вилоятларида амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳалари пул тушумларининг дисконтланишига асосланган UNIDO услуги бўйича молиявий таҳлил амалга оширилди. Инвестицион лойиҳалар бўйича амалга оширилган тадқиқотда туристик-рекреация объектларидан фойдаланиш истикболларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида улардан фойдаланиш самарадорлиги истикбол кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эгаллиги аниқланди.

Тадқиқот жараёнида ҳудудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича заиф таркибий тузилишга эга муаммоларни ҳал қилишда бошқарув қарорларини танлаш ҳамда қабул қилишнинг комплекс методологиясини когнитив ёндашув асосида такомиллаштиришга ҳаракат қилинди. Когнитив моделлаштириш ҳудудий туристик-рекреация тизимининг ташқи ва ички муҳит билан ўзаро алоқаларининг когнитив хариталари, уларнинг моделлари ҳамда олинган икки даражали модель таҳлили асосида амалга оширилади. Ҳудудий туристик-рекреация

<sup>19</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ТИЗИМИНИНГ КОГНИТИВ ХАРИТАСИ МЕТОДОЛОГИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ВА АНИҚЛАНГАН МАҚСАДЛИ, БАЗИС, БОШҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР ҲАМДА ОМИЛ КЎРСАТКИЧЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР НЕГИЗИДА ТУЗИЛАДИ (6-расм).




**6-расм. Ҳудудий туристик-рекреация тизимини ташқи муҳит билан алоқаларининг кенгайтирилган когнитив модели<sup>20</sup>**

Когнитив ёндашув туристик-рекреация фаолиятида бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда эксперт баҳолаш, дастурий-мақсадли, статистик усулларни муаммоли вазиятларнинг когнитив таҳлили ҳамда когнитив моделлаштириш билан уйғунлаштириш орқали вазиятга ташқи ва ички муҳитнинг асосий таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш учун ҳудудий туристик-рекреация тизимини ривожлантиришда бошқарув қарорларларини танлаш ҳамда қабул қилишнинг когнитив ёндашув асосидаги комплекс методологияси ва унинг инструментларини шакллантириш лозим (7-расм).

Когнитив моделлаштириш натижалари қарорлар қабул қилишнинг «тўлов матрицаси»га киритилиб, алоҳида олинган стратегиялар бўйича қабул қилинган қарорлар натижалари аниқланади ҳамда энг самарали стратегия ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури учун базавий стратегия сифатида белгиланади.

<sup>20</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



**7-расм. Когнитив ёндашув асосида бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси<sup>21</sup>**

<sup>21</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



Танланган стратегия асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш босқичлари ҳамда бу босқичларда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муддати, киритилиши лозим бўлган ресурс ҳажми ҳамда уни амалга оширувчи ижрочиларни аниқлаган ҳолда яратилади. Дастурни кўрсатиб ўтилган йўналиш ва кетма-кетликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш натижасида юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга бўлган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини туристик-рекреация хизматлари соҳаси доминантлиги асосида тез ва юқори самарадорликда ривожлантириш мумкин.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги илмий хулоса ва таклифлар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Туристтик-рекреация фаолиятида ҳам анъанавий менежментда кўрсатиб ўтилган ишлаб чиқариш корхоналари ва тизимларида мавжуд бўлган бошқарув объектлари ва субъектлари мавжуд бўлиб, соҳадаги бошқарув муносабатлари шаклланишида умумий бошқарув қонун ва тамойилларига амал қилинади, белгиланган умумий бошқарув мақсадлари, функция ва вазифалари доирасида фаолият юритилади.

2. Туристтик-рекреация фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш шаклларига ёндашувлар асосида ҳудудий туристик-рекреация мажмуасининг оптимал таркибий тузилиши таклиф этилди. Туристтик-рекреация мажмуаси элементларини тузилмавий ёндашувлари таҳлили объектни иккита йўналишда: туристик-рекреация мажмуаси (ТРМ) таркибига кирувчи корхоналар таснифи ҳамда мажмуанинг яхлит таркиби йўналишида ўрганиш мумкинлигини кўрсатади.

3. Туристтик-рекреация фаолиятида ҳудудий ресурс салоҳиятини инновацион бошқариш тизимини лойиҳалаш жараёни кўп мезонли таҳлил методологияси ва бошқарув тузилма (иерархия)лари устуворликларини таҳлил қилиш усулига қаратилган. Шу билан бирга кучли корреляцияланган омилларга, шу жумладан уларнинг элементларига баҳо бериш ва тизимга таъсир кўрсатишнинг якуний натижаларини олиш учун уларнинг аҳамиятини аниқлаш лозимлигини назарда тутган ҳолда, туристик-рекреация фаолиятида иштирок этувчи субъектлар инновацион фаоллигини ривожлантирувчи кросс-инновация асосидаги модель асосланди ва тавсия этилди.

4. Миллий статистика тизимида мавжуд туристик-рекреация фаолияти натижаларини тавсифловчи маълумотларни ўрганиш асосида соҳа фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилишда мавжуд тизимли муаммолар аниқланди ҳамда туристик-рекреация хизматларининг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи қўшимча индикаторларни кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг рақамлашуви шароитида туристик-рекреация хизматларига яширин талабни рақамли резервлаш

тизими воситасида реал талабга айлантириш имкониятларини амалий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида рақамли бошқарув платформалари негизида туристик-рекреация хизматларини рақамли резервляш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

6. Худудларда туристик-рекреация фаолиятига киритилувчи ресурс компонентлари умумлашган кўрсаткичлари асосидаги туристик-рекреация фаолиятининг мультипликатив самарасини аниқлаш алгоритминини киритиш орқали фаолиятнинг худуд ёки минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими ривожланишидаги мультипликатив самарани аниқлаш методологияси такомиллаштирилди.

7. Туристик-рекреация фаолиятини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш мавжуд тизимдаги корхоналар фаолияти бошқарувини интегратив омил асосида қайта ташкил этилишини таъминлаш орқали асосий фаолият ва унинг атрофида шаклланувчи инфратузилма тизимлари фаолиятини бир мақсад йўлида бирлаштиради. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот жараёнида туристик-рекреация кластерининг тузилмавий модели асосидаги бошқаришнинг вертикал ва горизонтал тузилмалари бўйича кластерларни бошқариш афзалликлари асосланди.

8. Тадқиқот жараёнида туристик-рекреация хизматларидан фойдаланувчи рекреантлар сони кўрсаткичини натижавий омил сифатида танлаган ҳолда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги эконометрик модель асосида кўрсаткичнинг ўрта муддатда, яъни 2021-2025 йилларда ўзгариш прогнози сценарийлари ишлаб чиқилди.

9. Туристик-рекреация фаолиятини тадқиқ этиш ва фаолиятни ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари назарий-услубий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, когнитив ёндашув асосида соҳани ривожлантиришдаги мавжуд заиф таркибий муаммоларни бартараф этиш ҳамда худудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси такомиллаштирилди. Таклиф этилаётган методология бўйича худудий ривожлантириш дастурини белгиланган йўналиш ва кетма-кетликда ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш натижасида юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга худудларни туристик-рекреация хизматлари соҳаси доминантлиги асосида тез ва юқори самарадорликда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мумкин.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  
**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МИРЗАЕВ АБДУЛЛАЖОН ТОПИЛОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ  
ТУРИСТСКО-РЕКРЕАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ В  
УЗБЕКИСТАНЕ**

**08.00.13 – Менеджмент (экономические науки)**  
**08.00.17 - Туризм и гостиничная деятельность (экономика)**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора экономических наук (DSc)**

**Ташкент– 2021**

Тема диссертации доктора экономических наук (DSc) зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.3.DSc/Iqt264.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Хонкелдиева Гузал Шеровна  
доктор экономических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Гулямов Саидахрор Саидахмедович  
академик АН РУз, доктор экономических наук

Хамидов Обиджон Хафизович  
доктор экономических наук, профессор

Алиева Махбуба Тойчиевна  
доктор экономических наук, доцент


**Ведущая организация:** Ургенчский государственный университет


Защита диссертации состоится «28» 07 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.12.2020.I.16.02 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100066, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 232-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный № 1056). Адрес: 100066, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Автореферат диссертации разослан «14» 07 2021 года..  
(реестр протокола рассылки № 5 от «14» 07 2021 года).



  
**М.П. Эшов**  
Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., доцент

  
**Д.М. Мавлянова**  
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.э.н., PhD

  
**Ш.Дж. Эргашходжаева**  
Председатель разового научного семинара по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Тенденции глобальных изменений в связи с обслуживанием социально-экономических систем в мире свидетельствуют о том, что за последние годы доля туризма, в частности туристско-рекреационного сектора, в составе создаваемого в мире валового внутреннего продукта растет. Факторы, связанные со здоровьем людей, возникают как необходимость обеспечения экономического развития за счет расширения туристско-рекреационной деятельности и совершенствования процессов ее управления. По данным всемирной туристической организации (ВТО): «... 10 процентов оборота рынка производственных услуг на планете приходится на долю туристического сектора. Прогнозируется, что доходы от международных туристических поездок к 2022 году составят 2,0 трлн долларов США в год»<sup>1</sup>. Поэтому развитие туристско-рекреационного сектора в развитии мировой экономики имеет относительно высокий приоритет, что требует совершенствования методологии, связанной с управлением в этой области.

В связи с изменениями в мировом экономическом развитии назрела необходимость научных исследований, которые закладывают основу для совершенствования методологии управления туристско-рекреационной деятельностью в целях дальнейшего развития туризма и туристско-рекреационной деятельности в его рамках, увеличения ее доли в макроэкономических показателях, обеспечения населения новыми рабочими местами в регионах и регионах. Поэтому особое внимание уделяется научным исследованиям по направлению совершенствования методологии управления туристско-рекреационной деятельностью в развитых странах мира с учетом формирования оптимальной структуры при разработке и управлении туристско-рекреационной деятельностью, использования цифровых систем в процессах управления, совершенствования моделей управления и процессов, обеспечивающих эффективное управление туристско-рекреационной деятельностью.

Реформы по развитию сети туристско-рекреационных услуг в условиях структурных изменений в сфере широкого охвата развития сферы туристических услуг в нашей стране продолжают на этапе создания нормативно-правовой базы. Развитие регионов с высоким туристско-рекреационным потенциалом на основе имеющихся преимуществ дает относительно высокую эффективность в быстром и сбалансированном развитии регионов. До сих пор в Узбекистане в определенной степени изучался вопрос развития туристско-рекреационной деятельности, но комплексных подходов к этому нет. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы также определены важные задачи: «быстрое развитие индустрии туризма, диверсификация и повышение качества туристических услуг, расширение туристической

---

<sup>1</sup> Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство РДЛ, 2015. – С. 3.

инфраструктуры»<sup>2</sup>. Успешная реализация этих задач требует расширения системы показателей, которых нет в открытой базе данных Национальной статистики в рамках методологии управления туристско-рекреационной деятельностью в нашей стране, оценки мультипликативного эффекта сферы, влияющей на развитие региональной экономики, совершенствования методологии отбора и принятия решений.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению поставленных задач в Указах Президента Республики Узбекистан от 2 декабря 2016 года № УП-4861 «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристической отрасли Республики Узбекистан», от 5 декабря 2017 года № УП-5273 «О создании свободной туристской зоны» Чарвак», от 28 мая 2020 года № УП-6002 «О дополнительных мерах по развитию сферы туризма со строгим соблюдением требований усиленного режима санитарно-эпидемиологической безопасности», от 9 февраля 2021 года № УП-6165 «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан», в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2018 года № ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма», от 5 января 2019 года № ПП-4095 «О мерах по ускоренному развитию туристической отрасли» и других нормативно-правовых актах и решению этих задач в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>3</sup>.** Научные исследования, направленные на формирование оптимальных стратегий развития и управления туристско-рекреационной деятельностью, повышение ее конкурентоспособности на внешних рынках, совершенствование системы управления, проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях, в том числе в Международном университете Флориды, Университете Южной Каролины - Бофорт (США), Университет Линкольна (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), Университет Мюнстера (Германия),

---

<sup>2</sup> Указ Президента республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». УП-4947 от 7 февраля 2017 года. Сборник законодательных актов Республики Узбекистан, 2017 год, №6.

<sup>3</sup>Интерпретация зарубежных исследований по теме диссертации он освещена на основе веб-страниц и других ресурсов: Florida International University, University of South Carolina - Beaufort (АКШ), University of Lincoln (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Korea Development Institute (Южная Корея), Yasar University (Турция), University of Applied Sciences of the Grisons (Швейцария), Institut Paul Bocuse, Ecole hôtelière de Lausanne (EHL) (Франция), Московский государственный университет им. М. Б. Ломоносова, Санкт-Петербургский государственный университет (Россия), Ташкентский государственный экономический университет, Международный университет туризма «Шелковый путь», Самаркандский институт экономики и сервиса.

Корейский институт развития (Южная Корея), Университет Ясар (Турция), Университет прикладных наук Граубюндена (Швеция), Институт Поля Бокюза, Лозаннская школа экономики (Франция), Московский государственный университет им. М. Б. Ломоносова, Санкт-Петербургский государственный университет (Россия), Ташкентский государственный экономический университет, Международный университет туризма «Ипак йули», Самаркандский институт экономики и сервиса, Бухарский государственный университет, Ургенчский государственный университет, Наманганский государственный университет, Ферганский политехнический институт (Республика Узбекистан).

В результате проведенных в мире исследований по развитию туристско-рекреационной деятельности в процессе освоения новых видов и форм мировой индустрии туризма, совершенствования методологии выбора оптимальной стратегии ее управления были получены следующие научные результаты: увеличена объём экспорта услуг компаний с высоким ресурсным потенциалом на основе разработки механизма повышения конкурентоспособности отрасли на внешних рынках (Международный университет Флориды, Университет Южной Каролины - Бофорт – США; Университет Мюнстера – Германия); разработаны среднесрочные и долгосрочные стратегии развития отрасли на основе эконометрического исследования взаимосвязи инвестиционных и инновационных проектов в туристско-рекреационной сфере и экономического роста страны. (Корейский Институт развития-Южная Корея); повышена инвестиционная привлекательность отрасли за счет внедрения механизма государственно-частного партнерства при формировании туристско-рекреационных кластеров (Московский государственный университет им. М. Б. Ломоносова, Санкт-Петербургский государственный университет – Россия), повышена качество управленческих решений за счет совершенствования механизмов управления туристско-рекреационной деятельности на институциональной основе (Ташкентский государственный экономический университет, Международный университет туризма «Буюк ипак йули», Самаркандский институт экономики и сервиса, Бухарский государственный университет, Ургенчский государственный университет, Наманганский государственный университет, Ферганский политехнический институт (Узбекистан).

